

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2009 йил, 13 май, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 95 (11.406)

Баҳоси эркин нарҳда

**XXI АСР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН  
СЎНГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

- Кеча Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида «Ўзбекистон нефть ва газ — OGU 2009» аънавий халқаро кўргазмаси очилди. Кўргазма «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.
- Наманган вилоятида янги ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари фаолияти изчил йўлга қўйилмоқда. Бугунча вилоятда 27 та ана шундай ташкилот давлат рўйхатидан ўтиб, ўз фаолиятини бошлади. Улар аҳоли буюртмасига кўра, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ишланган замонавий меъморлик лойиҳалари асосида чиройли уй-жойлар қуриш, эскиларини таъмирлаш, кўчаларни ободонлаштириш ишларини бажаради.
- Халқаро ва мамлакатимиз миқёсида ўтказилган фестивал ҳамда танловлар голиблари жамланган «Халқ ижодиёти поезди» Қорақалпоғистонга келди.
- Бухоро шаҳрида вилоят меҳнат бозори ярмаркаси бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бoshқармаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда 1147 та корхона ва ташкилот 8333 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Мазкур вилоят меҳнат бозори ярмаркаси давомида 3263 нафар фуқаро ишга жойлашди.
- Ғиждувон туманидаги Гулистон қишлоғида «Саломатлик-2» лойиҳаси талабларига мувофиқ ҳомийлик маблағлари ҳисобига янги шифо маскани қуриб фойдаланишга топширилди. Тумандаги Бойхотин қишлоғида ҳам худди шундай маскан аҳолига тиббий хизмат кўрсатишга киришди.
- «Ўзавтодарётранс» агентлигига қаршли 2529-давлат унитар автожамланмасининг «Қарши ҳамкор транс» шўъба корхонаси Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган ИСУЗУ НР 37 ва ИСУЗУ НР 21 русумли 30 та автобус билан аҳолига транспорт хизмати кўрсата бошлади.
- «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Фарғона вилоят филиали туманлар марказларидан олисда жойлашган қишлоқлар аҳолиси учун қулайлик яратиш мақсадида иккита кўчма алоқа бўлими ташкил этиди.
- Андижон туманидаги Хартум қишлоғининг ўриқзор маҳалласида тадбиркор Замирахон Тиллаева ташаббуси билан савдо ва сервис хизмати кўрсатиш мажмуи бунёд этилди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари мажмуининг дастлабки меҳмонлари бўлишди.

## ЖАҲОНДА

- Россия БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаши иккинчи бор қайта сайланди.
- Украина Конституциявий суди мамлакат парламентининг президент сайловларини 25 октябрда ўтказиш тўғрисидаги қарорини ноқонуний деб топди.
- Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, бугунги кунда жаҳоннинг 29 мамлакатидея А/Н1Н1 вируси билан касалланган кишилар сони 5261 нафарга етган. Шу кунгача улардан 61 нафари ҳаётдан кўз юмди.
- Кеча жаҳоннинг етакчи биржаларида ўтказилган савдоларда нефтнинг нархи бир мунча ошганлиги аён бўлди. Жумладан, Лондондаги биржада ўтказилган савдоларда бир баррел нефтнинг нархи 57,44 доллар миқёсида қайд этилган бўлса, Нью-Йоркда бу кўрсаткич 58,85 долларни ташкил этди.
- Халқаро валюта жамғармаси Европа банклари учун стресс-тестларни ўтказиш лозимлигини таъкидлади.
- Британиянинг Кент графлигида жойлашган мактабларнинг биринида шифтнинг кулаб тушиши оқибатида 14 нафар ўқувчи турли даражадаги тан жароҳатларини олди.
- Ҳиндистон шимолидаги Уттар-Прадеш штатида кучли довул рўй берди. Табиий офат натижасида штатнинг электр таъминоти тизимига жиддий зарар етган ва 22 та туман электр манбаидан узилиб қолган. Дастлабки маълумотларга қараганда, довул 27 нафар кишининг умрига зомин бўлган.
- Германия канцлери Ангела Меркел ва Франция Президенти Никола Саркози ўзаро учрашувлари чоғида Европа Иттифоқи хусусида фикр билдиришар экан, унинг Туркия ҳисобига кенгайтиришга қарши эканликларини маълум қилишди. Шу тариқа ЕИГА кириш учун 2005 йилдан буён ҳаракат бошлаган Туркия ҳали-бери ўз мақсадига эриша олмайдиган кўринади.
- АҚШнинг Ғарбий Виржиния штатида рўй берган кучли сув тошқинлари натижасида юзлаб бинолар зарар кўрган, электр таъминотида узилишлар юзага келган. Ҳозир штатнинг олтига ҳудудда фавулодда ҳолат эълон қилиниб, қидирув-қутқарув ишлари олиб борилмоқда.

## ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЛИ МЁН БАК 12 МАЙ КУНИ САМАРҚАНД ШАҲРИГА ТАШРИФ БУЮРДИЛАР.**

Олий мартабали меҳмон қадим шаҳарнинг муаззам тарихий обидалари билан танишуви Мирзо Улуғбек расадхонасидан бошлади. Ўз даврининг етук алломаси бўлган бу зотнинг илмий мероси бугунги кунда ҳам юксак қадрланади. Мирзо Улуғбек илми нухум бобида тенгсиз олим бўлгани баробарида, илм-фаннинг бошқа соҳаларини ҳам чуқур ўзлаштирган, айна пайтда улкан салтанатни бошқарган. Ли Мён Бак Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва илмий мероси билан таништирилди.

Президентлар Афросиёб музейи, Регистон мажмуи ва Ғури Амир макбарасини бориб кўрдилар. Ли Мён Бак Регистон мажмуида миллий хунармандлик буюмлари кўргазмасини кўздан кечириб экан, машҳур Самарқанд қозоғига эътибор қаратди. Қадимда шаҳар хунармандлари тут новдаси пўстлогидан қозоқ ишлаб чиқарган. Гарчи, бугун саноатда замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган бўлса-да, самарқандлик усталар ота мерос ишини давом эттирмоқда. Уларнинг икки минг йил давомида бузилмай турадиган маҳсулотига сайёҳлик фирмалари ва ҳатто хорижий компаниялар ҳам буюртма беради. Жанубий Корея раҳбарига Самарқанд қозоғининг кашф этилиш тарихи, уни тайёрлаш технологияси қизиқиш уйғотди.

Олий мартабали меҳмон инсоният даҳосининг тимсоли, меъморлик санъатининг юксак намунаси бўлган Самарқанд обидалари ўзида катта таассурот қолдирганини, бу кўна ва навқирон шаҳар зиёрати бир умр ёдида қолишини таъкидлади. Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш билан бир қаторда, миллий-маданий қадриятларни тиклаш, осори-атиқаларни асраб-авайлаш, қадимий обидалар атрофини ободонлаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилганига ғувоҳ бўлганини қайд этди.

Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига давлат таширифи ҳар томонлама самарали бўлди, дейиш учун барча асослар бор. Ташириф асосида давлатлараро миқёсда, вазирлик ва идоралар даражасида кўплаб ўзаро манфаатли келишувларга эришилди. Дўрмон қароргоҳида имзоланган ҳужжатлар икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаган бўлса, Ўзбекистон — Жанубий Корея бизнес-форуми инфратузилмани ривожлантириш, йирик ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, минерал ресурсларни ўзлаштириш, ишлаб чиқаришнинг янги турларини йўлга қўйиш, транспорт соҳасида ҳамкорликка оид ва бошқа қатор келишувлар билан якунланди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлигини янги босқичга кўтаришга хизмат қилди.

Шу билан Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг Ўзбекистон Республикасига давлат таширифи якунига етди.

Воҳид ЛУҚМОН,  
Ғолиб ҲАСАНОВ,  
ЎЗА мухбирлари

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

**Мамлакатимизда экспортбop ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш, ички тармоқ ва тармоқлараро, корхоналар ўртасида кооперацияни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

### Қарор ва ижро

## МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ САМАРАЛАРИ


Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 27 январда қабул қилинган «2009 йилда саноат кооперацияси асосида сановат маҳсулотлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ, ишлаб чиқарувчиларга бир қатор имтиёзлар берилган бўлган соҳа ривожига хизмат қилмоқда. Тармоқ ва тармоқлараро ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланаётган корхоналарда хариддор, замонавий ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, кўплаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

Буни пойтахтимиздаги «Тошкент агрегат заводи» очик акциядорлик жамияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Айна пайтда бу ерда маҳаллийлаштириш дастури асосида аграр тармоқ учун чигит экиш сеялқалари ва ғўза баргини тўкишда фойдаланиладиган пурақичлар ишлаб чиқарилмоқда.

— Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида корхонамизда тайёрланган 400 дан зиёд пурақич фермер хўжалиқларига етказиб

берилди, — дейди корхона бош муҳандиси Асадулла Сайдуллаев. — Йил охиригача яна икки минг донага яқин ана шу турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган. Шунингдек, 250 донга роторли ўроқли ўрув ва кўплаб ўғит сочиш мосламалари ишлаб чиқариш устида иш



олиб борилмоқда. Беш юз нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 60-70 фоизи маҳаллийлаштирилган. Кейинги йиллардан бу кўрсаткич янада ошади. Бунда эскирган ускуналарни модернизация қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу боис корхона мутасаддилари цехларни замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлашга алоҳида

эътибор қаратмоқда. Натижада корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури, сифати ва ҳажми ортиб, кўплаб янги иш ўринлари очилди имкони яратилмоқда. Жорий йилда корхона ишчилари ўттиз нафарга кўпайган бўлса, йил охирига қадар яна йигирма иш ўрни очиш кўзда тутилмоқда.

Асосий хомашёни «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирилшмаси, «Шўртангаз-кимё» мажмуаси таркибидаги корхоналар, «Тошкент қувур заводи» ва «Дойче кабель» қўшма корхоналаридан олаётган ушбу корхона халқаро сифат сертификатига эга.

Экспорт салоҳияти ошиб бораётган «Тошкент агрегат заводи»да ўтган йили тайёрланган 1500 донга пурақич Туркменистонга экспорт қилинди. Бу йил ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бир қисми Озарбойжонга сотилди. Айна пайтда бошқа мамлакатларга ҳам маҳсулот экспорт қилиш борасида музокаралар олиб борилмоқда.

**Холмурод САЛИМОВ, ЎЗА мухбири СУРАТЛАРДА:** корхона фаолиятдан лавҳалар Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

## Кекса сатрларда

● **КЕЧА** шаҳримизда Корея Республикасининг «Эксим» ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки ўртасида тузилган англашув меморандумини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

● **РЕСПУБЛИКА** Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ташаббуси билан Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигида ўтказилган тадбирда одам савдосига қарши курашишни қонуний асослари муҳокама қилинди.

● **КЕЧА** Тошкент Ахборот технологиялари университетида ёш дастурчиларнинг миллий форуми ташкил этилди. БУГУН форум доирасида иш бошлаган дастурий маҳсулотлар кўргазмаси ЭРТАГА якунланади.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги

«Тўйтепа» маҳалла гузариди «Тафаккур гулшани — қадрият уммони» мавзусида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида уюштирилган адабий кеча ва концерт дастурида маҳалла фаоллари ва ёшлари иштирок этишди.

● **БУГУН** Миробод туманидаги Фафур Фулом номли маданият уйида бадий ҳаваскорлик жамоалари, тўгараклар, курслар раҳбарлари, қатнашчилари иштирокида ўтказилган тадбир «Барчангизни тўгаракларга жалб қиламиз» деб номланди.

● **КАМОЛОТ** ЕИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ташаббуси билан Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари ва қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар иштирокида уюштирилган акция «Биз сизни улуглаймиз» деб номланди.

● **ҲАМЗА** туманидаги 5-мукаса ва санъат мактабидея иқтидорли ёшлар ўртасида ташкилланган «Ниҳол» кўрик-танловининг Ҳамза туман босқичи бўлиб ўтди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

**Пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида «Талабалар баҳори — 2009» фестивали бошланди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ташкил этилган анжуманда уч мингдан ортиқ талаба иштирок этмоқда.**

## ТАЛАБАЛАР БАҲОРИ

Унинг очилишида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори Ф.Муҳамедов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси А.Алимов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида маънавий етук, пухта билимли, соғлом фарзандларни камолга етказиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланганини таъкидладилар. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тамомила янги қиёфа касб этган «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида барпо этилган замонавий турар-жойлар, ахборот-ресурс марказлари, шифо масканлари ана шундай мақсадларга хизмат қил-

моқда. Шаҳарчада бунёд этилган спорт-соғломлаштириш мажмуалари, теннис кортлари, волейбол ва баскетбол майдончалари, ёпиқ сузиш ҳавзалари ёшларнинг севимли масканига айланган.

Бир ҳафта давом этадиган мазкур фестиваль доирасида илмий-амалий конференциялар, талабалар ўртасида кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ўтказилди. Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуасида мураббийлар ҳамда талабалар жамоалари ўртасида футбол, мини-футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат ва спортнинг бошқа турлари бўйича беллашувлар бўлиб ўтади.

— Бундай тадбирлар талабалар ўртасида аҳиллик ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутаяди, — дейди университетнинг тарих факультети декани Замира Эшонхўжаева. — Анжуманда талабалар билан бирга, профессор-ўқитувчилар ўртасида спорт мусобақаларининг ўтказилиши соғлом турмуш тарзини янада оммалаштиришга хизмат қилади.

Тадбирнинг очилишида танikli санъаткорлар ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт дастури, талабаларнинг бадий чикишлари намойиш этилди.

Ғузэл САТТОРОВА,  
ЎЗА мухбири

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РАҲИМИ  
**2200**  
2009  
**ТОШКЕНТ**

# ТАДБИРКОР

**Мустақилликнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очилиб, ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қатта эътибор қаратилгани боис ҳам бугунги кунда уларнинг сафи кенгайиб, иқтисодийнинг ривожидagi ҳиссаси ортди.**



шунтиришлар беришди. Шунингдек, иштирокчиларга бепул қўлланмалар ҳам тарқатилди. Тадбиркорларнинг иш фаолиятини кенгайтириш, қўшимча иш ўринлари яратишларига имкон яратиш учун банклардан кредит олиш мақсадида биринчи чорак мобайнида 24 нафарига бизнес-режалар ишлаб чиқилди.

## Ахборот-маслаҳат марказларида ИШБИЛАРМОНЛАРГА МАДАДКОР

Президентимиз Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан белгиланган вазифаларни бажаришга ҳаракат



қилмоқда. Шунингдек, таъкидлаш лозимки, ходимларимиз томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида 1237 нафар тадбиркорга тадбиркорлик қўнғинчилиги асосланган ҳолда турли хилдаги хизматлар кўрсатилди. Шунингдек, 27 та кичик ва хусусий бизнес вакилларига 1.198.000 минг сўмлик меъерий ҳужжатлар тайёрланди.

Ахборот-маслаҳат маркази ва унинг қошида ташкил этилган жа-

моатчилик кенгаши томонидан режа асосида тадбиркорларни жаллаган ҳолда ўқув семинарлари, мулоқотлар ташкил этилиши яхши самара бермоқда. 2009 йил-

нинг ўтган уч ойи давомида Президентимизнинг қўллаб-қувватлаш сиёсати асосида тадбиркорларнинг саноат ва хўжалиқ соҳасидаги иш фаолиятини кенгайтириш, қўшимча иш ўринлари яратишларига имкон яратиш учун банклардан кредит олиш мақсадида биринчи чорак мобайнида 24 нафарига бизнес-режалар ишлаб чиқилди.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатида олиш ва ҳисобга қўйишдаги бюрократик тўсиқ ва гавларни бартараф этиш юзасидан жамоатчилик кенгаши Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларидан келиб чиққан ҳолда иш юритмоқда. Кенгаш томонидан тадбиркорларга яқиндан ёрдам бериш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида жойларга «Ишонч кўти»лари ўрнатилган бўлиб, 1-чорада уларга келиб тушган 7 та мурожаат ўрганиш чикилди. Жамоатчилик кенгаши ва туман ҳокимлиги томонидан кўриб чиқилган ушбу ариза ва мурожаатлар ўз ечимини топди. Масалан, «Метин Ком» хусусий фирмасининг комплекс текширувида иштирок этилиб ва назорат қилувчи органлар томонидан ҳуқуқи поймол қилинишининг олди олинди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, туманда 3 мингдан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатиб, уларнинг сифатли маҳсулот тайёрлашда, намунали хизматни ташкил этишдаги ўрни

ортиб бормоқда. Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2009» кўрик-танловида, айниқса уларнинг фаолиги ўз ифодасини топди. Талабдорлар орасидан танлаб олинган 27 нафар тадбиркор ва хунармандлар ўзaro беллашди, рағбатларга сазовор бўлишди. Қувонарлиси эса танловнинг пойтахт босқичида «Йилнинг энг яхши хунарманди» йўналиши бўйича 1-ўринга сазовор бўлган иқтидорли ёғоч ўймаkori Файзулла Юсупхўжаев республика босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этди. Унинг изланишлари ҳайъат аъзолари томонидан алоҳида эътироф этилиб, «Энг яхши устоз-шогирд мактабини ташкил этганлиги учун» номинацияси голиблигига муносиб топилди.

Албатта, тумандаги ҳар бир тадбиркорни қўллаб-қувватлашда, уларга яқин мададкор бўлишда, муваффақият ва рағбатларидан биргаликда баҳрамандликда Ахборот-маслаҳат маркази ҳам жамоатчилик кенгашининг муҳим ҳиссаси борлигини айтиш лозим.

Шарифа ИЛЁСОВА  
СУРАТЛАРДА: туманда фаолият кўрсатаётган тадбиркор ва хунармандлар янги маҳсулотлар тайёрлаш йўлида изланишмоқда.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

Президентимиз 2008 йилда мамлакатимизни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш аянлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида жорий йилда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади. Кичик бизнеснинг илҳом ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантириши эътиборга лойиқлиги айтиб ўтилди.

Туманимизда ҳам кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлар сафи йил сайин кенгайиб, уларнинг иқтисодийга қўшаётган улушлари ортиб бормоқда. — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси қошидаги Собир Раҳимов туман Ахборот-маслаҳат маркази раҳбари Адиба Каримова. — Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, керакли маслаҳатларни бериш, фаолияти давомида учрайдиган тўсиқ ва гавларни бартараф этишда ёрдамлашиш, иш бошлашлариға кўмаклашиш асосий мақсадларимиз сирасига кирди. Шу боис ҳам марказимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка оид чикарилган

**Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида «тадбиркорман» деб қўл қовуштириб ўтириш фойда келтирмайди. Балки ташаббус кўрсатиш, тинмай изланиш, яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиш самара беради, муваффақиятларга гаров бўлади.**



«Ташаббус — 2009» совриндорлари

## ИЗЛАНИШ МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ГАРОВ БЎЛМОҚДА

Буни пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «MET FUR SERVICE» масъулияти чекланган жамияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Бозорни ўрганиш асосида йилдан-йилга маҳсулотнинг харидоригр ва зарур турларини ишлаб чиқаришга эришадиган тадбиркорлар нафақат ички, балки чет давлатлардан тушган буюртмаларни ҳам сифатли адо этишмоқда.

— 1999 йилда илк фаолиятимизни 14 та ишчи билан бошлаган бўлсак, — дейди корхона раҳбари Шавкат Халилов, — айни пайтда ишлаб чиқаришни ривожлантириш асосида уларнинг сафини кенгайтиришга муваффақ бўлдик ва ишчи-хизматчиларимиз 98 нафарни ташкил этмоқда. Аввало металл фурнитурга хизматлари тайёрлаган бўлсак, бугунги кунда замон талаблари асосида иш юритиш орқали автомобиллар учун бутловчи қисмлар тайёрлашни ҳам йўлга қўйдик. Энг муҳими эса рақобатбардор товарлар турларини кўпайтираётганимиз харидорлар сафи кенгайишида муҳим ҳисса бўляпти. Шунингдек, импорт ўрнини босаётган мазкур маҳсулотларимизнинг ички бозорда ўз ўрни, нуфузи борки, буни буюртмачиларимиз фикр-мулоҳазаларидан ҳам билиш мумкин. Айни кунлардаги сай-ҳаракатларимиз эса маҳсулотларимизни сифат менежменти тизими ISO 9001:2000 халқаро стандарт талабларига тўла жавоб беришига эришиш борасида олиб боришмоқда. Шунинг билан айта оламани, ҳозирги кунда қўллаб маҳсулотларимизда Россия, Руминия, Ҳиндистон ва бошқа давлатлардан буюртмалар тушмоқда. Бу, албатта, бизга янада ишонч бағишлаб, маҳсулотларимиз сифати ҳамда рақобатбардорлигини ошириш йўлида изланишларга ундайди.

Маҳаллийлаштириш дастурига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшаётган корхона ҳозирги пайтда автомобиллар учун бутловчи қисмлар тайёрлашда мамлакатимиз миқёсида етакчилардан саналади. Шуниси қувонарлики, бундай бутловчи қисмларнинг сони ва сифати йилдан-йилга ортиб, маҳаллий автомобилсозларимизга нихоятда қўл келмоқда.

Автомобил бутловчи қисмлари асосий буюртмачи — мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган «Дженерал Моторс Ўзбекистан» корхонасига етказиб берилса, шунингдек, «Уз Сэмюнг Ко», «Файз»

қўшма корхоналари, «Саратон пласт», «Уй-рўзгор моллари», «Чарм аттор» МЧЖлари, «Мебель», «Орзу» акциядорлик жамиятларининг буюртмалари ҳам сифатли адо этилмоқда.

Корхонада маҳсулот турлари 250 хилдан ортиб, ўтган йилда ишлаб чиқариш ҳажми 1 миллиард 384 миллион сўмликдан зиёдни ташкил этди. Албатта, бунга замонавий технологик линиялар билан жиҳозланган янги цехлар ташкил этиш эвазига эришилди. Лекин бу билан қиёранглик қолмасдан тадбиркор жамоа ахли изланишлари давом эттирмоқда. Ҳозирда Жанубий Корея ва Хитойдан янги технологик дастгоҳ ва ускуналар келтиришга ҳаракат қилинмоқда, иш асосида тайёрланадиган халқаро андозларга мос маҳсулотлар корхонанинг ҳам ички, ҳам ташқи бозордаги ўрнини мустаҳкамлайди, албатта. Жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажмини 2 миллиард 340 миллион сўмликка етказиш кўзда тутилганлигининг ўзи корхона мутасаддиларининг тадбиркорлик билан изланаётганини, ташаббус кўрсатаётганини кўрсатиб турибди.

Ҳа, ташаббус ҳақида гап кетганда, қувончли муваффақиятлар хусусида гапирмай илоҳимиз йўқ. Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2009» кўрик-танлови корхона ютуқларини яна бир бор намоён этди. Корхона раҳбари Шавкат Халилов мазкур танловнинг Сергели тумани ва пойтахт босқичида 1-ўринни қўлга киритиб, «Энг яхши тадбиркор» деб топилди. Танловнинг мамлакат миқёсидаги босқичида эса «Энг мурувватли тадбиркор» номинацияси голиби бўлди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, муваффақиятлар ўз-ўзидан келмайди. Бунинг учун яратувчанлик ишида ёниш, давр билан қадим-бақадим бўлиш даркор. Корхона тадбиркорларининг бугунги эришаётган ютуқлари ана шуларга амал қилишининг самарасидир. Улар омадга ҳам, ютуққа ҳам меҳнат орқали эришишмоқда ва мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муҳим ҳисса қўшишмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА  
СУРАТДА: муваффақиятлар корхона ишчи-хизматчиларининг баракали меҳнатларида қанот бўлмоқда.

## Интиланганга толе ёр МАҲАЛЛАДА ГИЛАМ ТЎҚИЛМОҚДА

**Уй-рўзгор ашёлари орасида хонадонларимиз файзини оширадиган, ажиб бир гўзаллик бахш этадиган гилам маҳсулотларининг ўзига хос ўрни бўлиб, эътиборли томони эса бундай батакорр товарларнинг ўзимизда қадимий ҳамда замонавий технологияларни қўллаган ҳолда тайёрланаётганидир.**

Тадбиркор Абдулкаюм Исроилов қадимий анъаналарни сақлаган ҳолда гилам тайёрлаш ва уларни харидорларга етказиб бериш мақсадида Собир Раҳимов туманининг «Янги Себор» маҳалласида «Қайс гилам тўқиш» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этди. Унинг ниятини амалга оширишда маҳалла қўмитаси ёрдами аямда ва корхона учун жой ажратиб берди.

— Ана шу жойни ишлаб чиқариш цехига айлантириш мақсадида таъмирлаб, керакли дастгоҳ ва ускуналарни ўрнатдик, — дейди корхона бош хисобчиси Мунира Обидова. — Маҳсулот тайёрлаш учун хом ашёга эга бўлди ва тажрибали мутахассисларни ишга жалб этдик. Натижада тўқилган ранг-баранг гилам маҳсулотларимизнинг харидорлари сафи кенгайиб борди. Унинг сифати, кўриниши, батакоррлиги кўпчилики жалб эта олди.

Шу боис ҳам тадбиркорлар корхонани кенгайтиришга, қўллаб шогирдлар тайёрлашга киришилди. Маҳалладаги 100 нафар қизларни жалб этган ҳолда ўқув маркази ташкил этилиб, моҳир усталар Карима Ибрагимова, Гулнеча Пирматовна, Гулшода Боймуродовалар ўтган йилда тўқиш санъати сирларини эринмай ўргатишди. Айни кунларда эса уларнинг 60 нафари корхонада касаначилик асосида меҳнат қилишмоқда.

Ўтган икки йил давомида корхона тадбиркорлари изланишларни давом эттириб ўзлари гилам тўқишда фойдаланиладиган хом ашё — жун калава-ипларни тайёрлашни йўлга қўйишди. Бу, албатта маҳсулот таннарига таъсир этмай қолмади. Шу боис ҳам

Дилноза СОДИҚОВА

## ДАСТУРЧИЛАР ФОРУМИ БОШЛАНДИ

Тошкент ахборот технологиялари университетидида 12-14 май кунлари Миллий дастурчилар форуми ва «BestSoft – Uzbekistan 2009» дастурий маҳсулотлар миллий кўргазмаси, шунингдек, «Электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжат айланишини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Тадбирлар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси томонидан ташкил этилди. Форумнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлда қабул қилинган «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарориди ва 2010 йилгача компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурий мувофиқ ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида стратегик устувор йўналишларни амалга ошириш, жумладан, мамлакатимиз дастурий маҳсулотлар бозорини ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар белгиланган таъкидланди.

Мамлакатимизда алоқа ва ахборотлаштириш тармоғи жадал ривожланиб бораётган. Буни қўйидаги мисоллардан ҳам кўриш мумкин. Бугун республикамиз шаҳар ва туманлари марказларидаги барча тармоқлар рақамлаштирилган бўлиб, аҳоли, корхоналар, ташкилот ва муассасаларга оқори сифатли шаҳарлараро телефон алоқа ва маълумотлар узатиш хизматлари кўрсатилмоқда. Барча жойларда янги ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилмоқда, Интернетдан фойдаланувчилар ҳамда мобил алоқа компаниялари абонентлари сони мунтазам кўпаймоқда. Давлат идоралари ва ҳужалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини қўллашга асосланган юқори технологик компьютер ускуналарини татбиқ этмоқда. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, замонавий дастурий таъминотни талаб қилади.

Мамлакатимизда софтвер саноати ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Юртбошимизнинг ташаббуси билан дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар учун солиқ имтиёзлари белгиланган, улар фаолиятининг ривожига муҳим ўрни тутмоқда. Ҳар йили энг яхши миллий дастурий маҳсулотлар республика танлови ўтказилаётган. Бу Ўзбекистонда софтвер маҳсулотлари бозорининг сон ва сифат кўрсаткичларини ошириш учун асос яратди. Йилдан-йилга дастурий таъминот ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар кўпаймоқда, дастурий маҳсулотлар бозори кенгаймоқда, лицензияли дастурий таъминотдан фойдаланиш даражаси ва сертификатга эга дастурчилар сони ортиб бормоқда. Халқаро аутсорсинг тизимида миллий софтвер маҳсулот ишлаб чиқарувчилар муносиб ўрин эгаллаётгани бу борада алоҳида аҳамиятга эга.

Миллий дастурчилар форумига дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва жорий этиш соҳасидаги етакчи мутахассислар тўпланди. Унда халқаро ва мамлакатимиз IT компаниялари — ишлаб чиқарувчилар ва интеграторлар, контент-ишлаб чиқувчилар, хизматлар провайдерлари, илмий ва таълим муассасалари, вазирлик ҳамда идора-лар вакиллари иштирок этмоқда. Улар ўзаро тажриба алмашиб, маҳорат дарслари, тақдирот маросимлари, ўқув семинарларини ўтказди. Секцияларга бўлинган йиғилишларда республикамиз дастурий саноатининг бизнес-ҳамжамиятлар вакиллари ҳамда аҳолининг кенг қатлами учун мўлжалланган мавжуд ва истиқболли ютуқлари намоёиш этилади.

«Интернет-лояихалар хавфсизлиги», «Microsoft корпорацияси ва Каспер лабораторияси дастурий маҳсулотларини Ўзбекистоннинг саноат корхоналарида жорий этиш», «Кутубхона жараёнларини автоматлаштириш тажрибаси ва муаммолари», «Амалий дастурлаш», «Online ва offline-ўқув афзалликлари» каби мавзулар қизгин баҳсларга саваб бўлди.

Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси ижрочи директори И.Абдуллаевнинг сўзларига кўра, форумда миллий софтвер саноатини янада ривожлантириш борасида «Ўзбекистонда ихтисослашган илмий-техник зонасини ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиши моделини яратиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот иши натижалари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар берилди.

В.НИКОЛАЕВ,  
Ўза А мухбири

## Иқтисодиёт СИФАТЛИ ВА БЕЖИРИМ КИЙИМЛАР

**Пойабзал замонавий, бежирим, чидамли ва айниқса, юришга қулай бўлса, албатта, харидорини топади. Айни пайтда тадбиркорлик билан изланаётган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимизнинг бу борадаги ишлари ҳам яхши самара бермоқда.**

Ўтган йилда фаолият бошлаган «FAROVON SHOES» масъулияти чекланган жамиятида тикилиб, истеъмолчиларга етказиб берилаётган пойабзаллар ҳам импорт ўрнини босиши билан ажралиб туради. Шу боис ҳам уларнинг харидорлари сафи ортиб бормоқда. Бу эса тадбиркорлардан бозор талаблари асосида изланишни, ташаббускорлик билан янги моделларни яратишни тақозо этмоқда.

Маҳсулотнинг бозоригр турларини ишлаб чиқаришда корхона цехларига Хитой ва Италиядан келтириб ўрнатилган технологик линия ҳамда дастгоҳлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Оёқ кийимлари сифати ва мустаҳкамлигини таъминлашда, айниқса, Италиянинг замонавий қўйма дастгоҳлари қўл келмоқда.

Корхонада бугунги кунга келиб 100 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилиб, пойабзалчиларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этмоқда. Ҳозиргача изланувчан модельерлар томонидан 100 хилдан зиёд модел турлари яратилган бўлса, уларнинг ярми ишлаб чиқаришга жорий этилиб, харидорларини топмоқда.

Тадбиркорлар ички ва ташқи бозорни ўрганиш асосида эркак ва аёллар учун турли оёқ кийимлари ҳамда спорт пойабзаллари ҳам тайёрлашмоқда. Айниқса, аёллар, ўсмир қизлар учун тайёрланаётган пойабзаллар сифати, бежиримлиги билан истеъмолчиларга манзур бўлмоқда. Маҳаллийлаштириш дастури асосида иш юритаётган жамоада ўзимизнинг чарм хом ашёсидан самарали фойдаланиб, четдан келтириладиган товарлар ўрнини босувчи пойабзаллар ишлаб чиқарилмоқдаки, улар нафақат сифати, балки нархи бирмунча арзонлиги билан ҳам харидорни мамнун этаёпти.

Ишлаб чиқарилган сифатли оёқ кийимларига талабнинг ортиб бориши корхона дизайнер-модельерлари зиммасига янада масъулият юклаб, уларни янги-янги изланишларга ундамоқда.


Нозима АҚРОМОВА

**Абдурахим ФОЗИЛОВ, хусусий тадбиркор:**  
— Халқимиз азалдан саво-ватли, эзгу ва савобли ишлари билан доврў қозонган. Мустақиллик йилларида бундай қадимий қадриятларимиз ўзгача маъно ва мазмун касб этмоқда. Юртбошимиз томонидан тадбиркор ва ишбилармонларга яратиб берилаётган имкониятларга барча, ҳатто хориждигилар ҳам тан бермоқда. Қаминга ҳам тадбиркорлик йўлидаги сай-ҳаракатлар яхши самара келтирмоқда. Буни биргина мисол орқали

## Саховат САВОБ ИШНИНГ ҚУВОНЧИ

келтиришим мумкин. Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Сохибқирон бобоимиз Амир Темур ҳазратларининг муборак номлари билан аталадиган маҳаллада яқин қариндошимиз Жасур ака Мирқамолов ўзларининг тўқсон ёш арафасидаги оналари, оила аъзолари билан истикомат қиладилар. Кунларнинг бири-да аямизни кўргани келиб, ик-

куралиш, ободонлаштириш, пардозлаш ишларини бажаришга киришилди. Қилинган сай-ҳаракатлар натижасида эски, қаровисз жой ўрнида турли ўйинлар ўтказиладиган янги болалар спорт майдончаси бунёд этилди. Яқинда шу майдонча келажакимиз бўлиши фарздандларимизга тўхфа этилди. Шу муносабат билан ўтказилган шодий-



Фармон ва ижро

**ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИДА ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ**

**Президентимиз ташаббуси билан 2009 йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб номланиши мамлакатимизда инсон манфаатлари, кадр-қиммат ва фаровон турмуши устувор вазифа этиб белгиланганлигидан далолатдир.**

Тошкент Тиббиёт академиясида ҳам Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Давлат дастурида белгиланган вази-фаларни ҳаёта татиқ этиш борасида са-марали ишлар олиб борилмоқда. Айтиш жоизки, умуммаллиёт шифокори мута-хассиси тайёрлашда қишлоқ врачлик пункти модулида ўқитиш муҳим аҳами-ятга эга бўлмоқда. Шу боис кун кеча Тошкент Тиббиёт академияси қошида айнан қишлоқ врачлик пунктлари учун шифокорлар тайёрлаш ва малакасини оширишга мўлжалланган янги модуль ишга туширилди. Айтиш жоизки, қиш-лоқларда малакали тиббий хизмати йўлга қўйиш ҳудуд тараққиётини белги-ловчи муҳим омил ҳисобланади. Бугун-ги кунда қишлоқларда фаолият кўрсата-ётган қишлоқ врачлик пунктларида аҳоли саломатлигини муҳофазалаш замонавий талаблар даражасида ташкил этилмоқ-да. Шу маънода ушбу тиббиёт муассас-саларига малакали кадрлар тайёрлаш ўта муҳим вазифалардан бири ҳисоблана-ди. Тошкент Тиббиёт академиясида ўргатувчи ва назорат қилувчи қишлоқ

врачлик пункти модули ҳам айнан мана шундай мақсадларда ташкил этилди. 15 та хонадан иборат модул 6 ва 7-босқич талабаларининг амалий ва назарий машғулоти учун мўлжалланган бўлиб, ёшлар бу ерда ўқишни битиргандан кей-ин бориб ишлайдиган иш жойи фаоли-яти ва барча тиббий асбоб-ускуналар билан ишлаш принципларини билиб ола-дилар ҳамда беморларга қандай хизмат кўрсатишни ўрганадилар.

— Умумий амалиёт шифокори тайёр-лашда ўргатувчи-назорат қилувчи қишлоқ врачлик пункти модули Прези-дентимизнинг «Соғлиқни сақлаш тизи-мини ислоҳ қилиши янада чуқурлашти-риш ва уни ривожлантириш Давлат да-стурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»-ги Фармони ҳамда бир қатор Давлат дастурлари асо-сида ташкил этилди, — дейди Тошкент Тиббиёт академияси даволаш факульте-ти декани Саъдулла Абдуллаев. — «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида ҳам жойларда бирламчи тиббий ёрдам самарадорли-



гини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Қишлоқ врачлик пункти модули бўлғуси шифокор учун келгусида ўз фа-олиятини шарт-шароитларга эга бўлган қишлоқ врачлик пунктларида қандай амалга ошириши борасида муҳим дастуруламал бўлиши шубҳасиз. Айтиш жо-изки, бугунги кунда 3000 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилган. Қишлоқ врачлик пункти янги тип-даги тиббий муассаса, замонавий тиб-бий технология ва клиник лаборатория



билан таъминланган, соғлиқни сақлаш тизимидаги асосий бўғинлардан бири бўлиб, бириктирилган аҳолига бирлам-чи тиббий ва тиббий-ижтимоий ёрдам беради. Соғлиқни сақлаш тизимининг айнан бири киши, оила ва тузум билан бўлган бирламчи алоқа зонаси — киши-ларнинг яшаш жойи, иш жойига тиб-бий — санитар ёрдамини максимал яқин-лаштириш, шунингдек, халқ соғлиғини сақлаш узлуксиз жараёнининг биринчи босқичини ташкил этади.

Тошкент Тиббиёт академияси қошида ташкил этилган қишлоқ врачлик пункти модули бўлғуси шифокорларни тайёрлаш-да, уларнинг етук мутахассис кадрлар бўлиб етиштирилиши, аҳолига сифатли ва самарали тиббий ёрдам кўрсатишида муҳим аҳамиятга эга бўлади албатта.

**Дилором ИКРОМОВА**  
**СУРАТЛАРДА: Тошкент Тиббиёт академияси қошида ташкил этилган қишлоқ врачлик пунктдан лавҳалар.**  
**Алексей Попов олган суратлар**

**Президентимиз Исло Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш, уларни касбга йўналтириш, етук мутахассис бўлиб етишишларига кўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

**ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ**

Юртимизнинг турли ша-хар ва қишлоқларида фао-лият кўрсатаётган академик лицей ва касб-хунар коллеж-лари, уларда ёшларнинг би-лим олиши, касб-хунар ўрга-ниши учун яратилаётган шарт-шароитлар, хусусан, бу борада олий таълим му-ассасалари билан ҳамкор-ликда олиб борилётган хай-ри-ли ишлар бугунги кунда ўз самарасини бераётир.

Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика колле-жид ҳам мамлакатимизда-ги бир қатор нуфузли олий ўқув юртилари билан ҳамкор-лик алоқалари йўлга қўйил-ган. Шунингдек, бу ерда колле-ж ўқувчиларининг юрти-миздаги олий таълим муас-сасалари, уларда ўқиш олиб бориладиган таълим йўна-лишлари ҳақида зарур маъл-умотлар олиши учун ҳам барча қўлайликлар яратил-ган. Бу эса битирувчилар-нинг келгусида тахсилни дав-ом эттириши, бу борада те-гишли маслаҳат ва йўл-йўриқлар олишида муҳим ўрин тутайди.

Низомий номидаги Тош-кент давлат педагогика уни-верситети профессор-ўқитувчилари коллежда бўлиб, ўқувчиларга универ-ситет фаолияти, у ердаги шарт-шароитлар, мавжуд имкониятлар, таълим шакл-

лари ва йўналишлари ҳақида атофлича тушунча бердилар. Тадбир доираси-да ташкил этилган универ-ситет олимлари ва ўқитув-чилари томонидан яратилган электрон дарсликлар, маз-кур олий ўқув юрти ҳаётини акс эттирувчи фотосуратлар кўргазмаси коллеж ўқувчи-ларида катта қизиқиш уйғот-ди.

— Учрашув давомида Тош-кент давлат педагогика уни-верситети ҳақида аниқ та-саввурга эга бўлдик, — дей-ди коллеж ўқувчиси Фоти-ма Дўйсубоева. — Коллежни би-тиргач, мазкур университет-нинг бошланғич таълим фа-культетига ўқишни давом эттиришга қарор қилдим.

Учрашувда ўқувчилар уни-верситет ходимларидан ўзларни қизиқтирган бар-ча саволларга жавоб олди-лар.

— Олий ўқув юртилари билан ҳамкорлигимиз бундан кейин ҳам давом этади, — дейди коллеж директори ўринбосари Фарҳод Холса-идов. — Умид қиламизки, бундай сай-ҳаракатлар би-тирувчиларимизнинг ўз ке-лажани тўри ва аниқ бел-гилаб олишида, эзгу режа-ларининг амалга ошишида муҳим аҳамият касб этади.

**Р.ЖАБОРОВ,**  
**ЎЗА мухбири**

**КАСАНАЧИЛАР МИННАТДОР**

**Мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш ва фаровонлигини янада ошириш, уй меҳнатининг барча шакллари, жумладан, касаначиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Ўтган ойлари мобайнида бу ерда 230 нафардан ортиқ киши каса-начилик асосида ишга жойлаш-ди. Уларнинг 20 нафарга яқини тумандаги «Ўзбек қозоғи» очик ак-циядорлик жамиятида меҳнат қил-моқда.

— Касаначилик биз, хотин-қиз-лар учун ҳар жиҳатдан қўлай, — дейди ушбу корхона ишчиси Му-наввар Обидинова. — Рўзгор юмушларидан ажралмаган ҳолда корхона буюртмаларини бажариб,

доимий даромадга эга бўла-памиз.

Бандлик ва оила бюджетини оширишнинг қўшимча манбаи-га айланган касаначилик асо-сида Ҳамза туманидаги корхона-ларда меҳнат қилаётган хотин-қизлар ишлаш учун яратилган шарт-шароит ва берилган эътибор ва ғамхўрликдан мин-натдор.

**Х.САЛИМОВ,**  
**ЎЗА мухбири**

**Ҳаёт инсонни турфа хиллиги билан ҳайратлантириб, уни воқеа-ҳодисаларга теран боқишга, фикрлашга, муносабат билдириб, мулоҳаза юритишга ундайди.**

**КОНУНИЙ АСОСЛАР — БОШ МЕЗОН**

Инсонларнинг жуфт бўлиб яшashi табиат қонуни ҳисобланиб, эр-хотин умумий рўзгор юритиши, бир уйда яшab турмуш кечирishi азалдан анъанага айла-ниб келмоқда. Улар ўрта-сидаги бундай муноса-батларни тартибга со-лишда қонуний никоҳ ту-зиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки эр-хотин ўртасида хоҳ шаръий, хоҳ қонуний никоҳ тузилган бўлсин, бунинг ўзига хос сабаблари мавжуд бўлиб, хозирги пайтда қонуний никоҳнинг афзал жиҳатлари ҳаммага аён. Оилада эр-хотин ўртаси-даги муносабатлар ҳуқуқий оқибатларни ву-жудга келтирилади, қону-ний никоҳ асосида қурил-ган турмуш эр ёки хотин-нинг ҳуқуқ ва манфаатла-рини ҳимоя қилишда ечи-

мини топади. Аксинча, эр-хотин ўртасида қону-ний никоҳ белгиланмаган бўлса, турмушда учрай-диган ноҳуш муносабат-ларда муаммолар туғили-шига сабаб бўлади. Шу боис, энди турмуш кура-ётган ҳар бир фуқаро бундай пайтда қонуний никоҳдан ўтишга алоҳида аҳамият бериши лозим. Ноанъанавий тарзда ёки шаръий никоҳ билан қурилган оилаларда ду-нега келган фарзандлар-нинг ҳуқуқ ва манфаатла-ри ҳам қонун асосида ҳимоя қилинади. Масал-ан, қонуний никоҳда бўлмаган ота-онадан ту-зилган болага оталикни белгилаш эр-хотиннинг ФХДЭ идорасига берган аризаси асосида амалга оширилади.

Олий суд Пленумининг «Оталикни белгилаш

тўғрисидаги ишларни қўришда судлар томони-дан қонунларнинг татиқ этилиши тўғрисида»-ги қарори мавжуд бўлиб, ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам бу масалага алоҳида ўрин берилган.

Оталикни белгилашда ишончнома бўйича рас-мийлаштиришга йўл қўйилмайди. Агар оталик белгиланган тугилганлиги қайд этилгандан сўнг белгиланса, эр-хотин-нинг оталикни белгилаш ҳақидаги аризаси ёки суднинг ушбу масала юзасидан қарорига бо-ланнинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномаси илова қилинади. Оталик-ни белгилашда ота-она-лардан бири иштирок этмаган тақдирда унинг аризадаги имзоси қонун билан белгиланган тар-тибда (тиббиёт муассаси-сида, ФХДЭ органи, нотариус, ҳарбий қисм, жазони ўташ муассасаси раҳбарининг имзоси ва муҳри билан) тасдиқла-нади. Шундай бўлсада, эр-хотин ўртасидаги му-носабатни ҳимоялашда қонуний никоҳ тузиш мақсади деб топилади.

Оила мустаҳкамлиги, соғлом муҳит барқарор-лиги, болалар келажаги-нинг қафолатида қону-ний асослар бош мезон ҳисобланади. Энг муҳи-ми, жамият таянчи ҳисобланган оиланинг тинч-тотувлиги, фар-зандлар баркамоллигига хизмат қилувчи ҳуқуқий ашёлар эзгу мақсадал-римиз мезонидир.

**Диляфўза**  
**АХМЕДОВА,**  
**Юнусов тумани**  
**ФХДЭ**  
**бўлими ходими**

**МАҲОРАТ ДАРСЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ**

**«Келажак овози» ёшлар ташаббуслари ахборот ресурс марказида италиялик интерьер-дизайнер Оскар Далан томонидан маҳорат дарслари ташкил этилди.**

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида Тошкент вилоятида ўтказилган «Асрлар садоси» иккинчи анъа-навий маданият фестивали доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда «Келажак овози» республика ёшлар танловининг «Ар-хитектура ва дизайн» йўналиши қолиблари, марказ фаоллари иштирок этди.

Айтиш жоизки, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағиш-лаб ўтказилган «Асрлар садоси» анъанавий маданият фести-валининг бу йилги тадбирлари ўзининг илмий-маърифий йўна-лишларни кенг қамраб олганлиги билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, ёшлар иштирокида ташкиллаштирилган мазкур мастер-класслар шулар жумласидандир.

Машғулотларни интерьер-дизайн соҳаси доктори ва Италия-нинг мазкур соҳадаги етакчи вакилларидан ҳисобланган, «Arredi Contract Design S.r.l.» компаниясининг бош менежери Оскар Далан томонидан олиб борилганлиги ёшларда катта таассурот қолдириди. Шунингдек, иштирокчилар етакчи халқаро компани-ялар иш таҳрибис, соҳадаги миллий услублар ва халқаро ан-дозалар уйғунлиги билан ақиндан танишишди.

Интерьер-дизайн соҳаси қизиқувчиларининг билим ва маҳор-атларини ошириш мақсадида ўтказилган ушбу мастер-классда иштирокчилар ўзларни қизиқтирган саволларга батафсил жа-воб оlishди. Улар соҳадаги янгиликлар, тақомиллаштирилиши лозим бўлган жиҳатлар тўғрисида ўзаро фикр алмашишди.

**«Туркистон-пресс»**



**Суд қандай ҳолатларда фуқарони му-омалага лаёқатсиз деб топиши мумкин?**

**Д. Собирова,**  
**Учтепа тумани**

— Фуқароларнинг ўз саъй-ҳаракатлари би-лан фуқаролик ҳуқуқлари эга бўлиши ва уларни амалга ошириши муомала лаёқати ҳисобланади. Тўла муомала лаёқатига эга бўлган фуқаролар қонунлар асосида шарт-номалар тузиш, етказилган зарарни тўлаш сингари турли юридик ҳаракатларни амал-га ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-нинг 19-моддасида «Фуқароларнинг Консти-туция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйил-ган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас» деб белгиланган.

Фуқаро фикр юритиш ва ҳисоб бериш қобилиятини йўқотган бўлса, бу унинг ру-ҳий касаллик белгиси ҳисобланади. Ақли за-ифлик эса фуқаро туғилганидан бошлаб оқилна фикр юритиш ва ўз ҳаракатлари юзасидан ҳисоб бериш қобилиятидан маҳ-рум бўлишидир.

Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб то-пишда иш бўйича тўпланган барча ҳужжат-лар суд томонидан ўрганиб чиқилмоғи ва шу асосда асослантирилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ко-дексининг 30-моддасида «Руҳий касаллиги ёки ақлий заифлиги оқибатида ўз ҳаракат-ларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқарони суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топиши мумкин ва бундай фуқарога васийлик бел-гиланади» деб қайд этилган.

**Ушбу саволга хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Зухра МУСАЕВА жавоб берди.**

**Яқинда биров мuddат оилам билан яшаб туришимиз учун ижарага уй-жой олишимга тўғри келди. Бунинг учун уй-жой ижараси шартномаси тузишимиз керак экан. Айтингчи, унинг тартиби қандай бўлади?**

**О.Азизова,**  
**Сергели тумани**

— Мол-мулк ижарасининг бир тури бўлган уй-жой ижараси шартномаси ҳам юридик ҳужжат ҳисобланади. Уй-жойни ижарага бе-риш шартномаси Ўзбекистон Республика-сининг «Уй — жой тўғрисида»-ги Қонуни (Уй-жой кодекси) билан белгиланган бўлса-да, у фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тарки-бига кирганлиги сабабли Ўзбекистон Рес-публикасининг Фуқаролик кодексиди ҳам умумий қоидалар билан белгилаб берил-ган.

ЎзР ФК да аниқ мақсадга қаратилган дав-лат коммунал уй-жой фондидаги уй-жойни ижарага бериш уй-жойни ижтимоий ижара-га олиш шартномаси деб аталади.

Уй-жой ижара шартномасида, бир тараф — ижарага берувчи иккинчи тарафга — ижа-рага олувчига турар жойни яшаш учун ҳақ бараварига топшириш мажбуриятини ола-ди. Бу шартнома мулкдан фойдаланиш ҳуқуқинигина ўтказишга қаратади.

Уй-жойни ижарага бериш шартномаси мулк ижараси шартномасининг бир тури бўлганлиги сабабли, агар у ЎзР ФК 35- боби моддалари билан махсус тартибга солин-маган бўлса, унга нисбатан ЎзР ФК нинг мулк ижараси тўғрисидаги умумий қоида-лар қўлланилади.

Уй-жойни ижарага бериш шартномасида ижарага берувчи сифатида юридик шахс-лар билан бир қаторда фуқаролар ҳам иш-тирок этади. Уй-жойдан яшаш учун фойда-ланиш мумкинлигини эътиборга оладиган бўлса, ижарага олувчи бўлиб фақат фуқа-ролар иштирок этадилар. Уй-жой ижараси шартномаси, тижорат ҳамда ижтимоий ижа-ра шартномаси асосида тузилади.

Уй-жой ижараси шартномаси консессу-ал, ҳақ бараварига тузиладиган икки тараф-лама шартнома ҳисобланади. Бундай тузи-ладиган шартнома тижорат шартномасига тааллуқлидир.

Уй-жой ижтимоий ижараси шартномаси фақат ижтимоий аниқ мўлжалланган давлат ва муниципал уй-жой фондидаги турар жой-лар бўйича ягона намунадаги ҳужжат ордер асосида тузилади. Унинг ўзига хос хусуси-ятлари шундаки, бундай шартнома беш йил-дан ортиқ бўлмаган мuddатга тузилиши мум-кин.

Уй-жойнинг ижтимоий ижараси шартно-маси ҳам, тижорат шартномаси ҳам мол-мулкни эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун топширишга мансуб шартномалар жумла-сидандир.

**Ушбу саволга хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Г.ТИЛЛАЕВА жавоб берди.**



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БҮСТОНИ ҲИКМАТЛАР

Боғлама дунёга кўнгул, мулки моли фонидур, Ким кўнгул боғлар анга, нодонлар нодонидур.

Ким бўлиб мағрури дунё, аҳли дилни оғритур, Ўз замонининг ўшал Фиръавн ила ҳомонидур.

Сен гумон этма бақо бор, деб жаҳон айвонида, Бил яқин, аввалда фоний эрди, охир фонидур.

Бас, кўруб алданмагил оройиши дунё учун, Бу ҳавои нафс-хоҳишлар бори шайтонидур.

Барча эл аҳли жунундек оқибатдин беҳабар, Дин бериб дунё учун, доим зиён айлар талош.

Ҳиммати дун, сафла учуру хасосат-пешалар, Нафс учун ҳар анжуманда ошу нон айлар талош.

Барча нафсин комини истарда жон айлар талош.

Азиз ўлмоқ тиларсен эл аро бу кўҳна даврондин, Маконинг гўшаи Қоф (эт), қаноат айла анқодак.

Эй дил, ўзунга ҳар кишини ёр қилмағил, Билмай аларни махрами асрор қилмағил.

Гул деб, бу боғ ичра тиконга сув бермағил, Киргай кўлунг(га), тарбияти хор қилмағил.

Эй дил, бошинга тушса сани гар ҳавойи ишқ, Ҳаргиз рақиб таънасидан ор қилмағил.

Арзи ҳол имкони борму, кимки бўлса гунгу лол.

Ишқ бир савдоки, фарқ этмас зарарни нафъидин, Айламиш булбулға гул ишқи тиконни ошён.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Темирйўл Тиббиёт билим юрти томонидан 2000 йилда Султонова Шахзода Иброҳимовна номига берилган 390529-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Давлат тиббиёт институти томонидан 2002 йил 20 июнда Саъдуллаев Хайрулла Файзуллаевич номига берилган 6440 рўйхат рақамли 273553 сонли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Англия, Германия, Испания, Латвия, Польша, Руминия, Словакия, Франция ҳамда Чехия давлатларининг Ўзбекистондаги элчихоналари ташаббуси билан ташкил этилган кино ҳафталиги 8 майдан 16 майга қадар давом этади.

Ҳафталикнинг очилиш маросимига юртимиздаги хорижий давлатларнинг Фавкулда ва мухтор элчилари, халқаро дипломатик корпус вакиллари, хорижий меҳмонлар, Гёте институти профессор олимлари ҳамда талабалари иштирок этди.

— Кино ҳафталиги Иккинчи жаҳон уруши тугагани 9 майга бағишланади. Бу сана Ўзбекистонда Хотира ва қадрлаш кунли сифатида кенг нишонланса, Европа давлатларида фашизм устидан ғалаба қозонилган кун сифатида тантана қилинади, — деди Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси Роберт Колецки.

ТОШКЕНТДА ЕВРОПА КИНО ФЕСТИВАЛИ

Пойтахтдаги Кино музейида Европа кино фестивали очилди.

Бадий фильмлар 16 майга қадар ҳар кун Кино музейида мухлисларга тақдим этилади. Унда томошабинлар "Королева" (Англия), "Уч мушкетёр" (Латвия), "Ой ёруғидаги болалар" (Германия), "Телеграмма" (Руминия), "Тасодиф" (Польша), "Диссертация" (Испания), "Франция" (Франция) ҳамда "История обычного сумасбродства" (Чехия) каби миллий руҳдаги фильмларни томоша қилишлари мумкин.

Мухлислар 1959 — 2008 йиллар мобайнида европалик кино ижодкорлар томонидан миллий руҳда суратга олинган, мукамал мавзудаги фильмларни кўришади.

— Ҳафта давомида бўлиб ўтқадиган Европа кино фестивалида, Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Гёте институти ҳамкорлардан биридир, шу боис Германия элчихонаси 2006 йилда суратга олинган "Ой ёруғидаги болалар" фильмини тақдим этди, — деди Гёте институти ходими Равшан Исроилов. — Бу фильмни тақдим қилишдан мақсад Германия киносини Ўзбек томошабинларига яқиндан таништиришдир. Фестивалда намойиш этилаётган фильмларнинг мавзуси турлича, бироқ, аниқ бир мавзуга эга эмас. Германиялик

киноижодкорларнинг асарларини оилавий фильм деса бўлади. Уни болалар ҳам, катталар ҳам томоша қилиши мумкин.

Ташкилотчиларнинг айтишича ҳозирда кино фестивали фақат Тошкентда ўтказилади, бироқ, кейинчалик мамлакатимизнинг Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларида ҳам Фарб кино ҳафталикларини ўтказиш кўзда тутилган. Кино ҳафталигининг очилиш маросими чехиялик кино ижодкорларнинг "История обычного сумасбродства" фильми билан бошланди.

Эслатиб ўтамоқчи бўлишимизки Кино музейида ҳар кун соат 19:00 да мухлисларга бепул намойиш этилади.

Рустам ҲАЙДАРОВ, "Туркистон-пресс"



ПОЙТАХТДА ГИМНАСТИКА МУСОБАҚАСИ

Пойтахтимизда бадий гимнастика бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида мамлакатимизнинг энг кучли гимнастикачилари билан бир қаторда иқтидорли ёш спортчилар ҳам голиблик учун куч синашди.

Спорт усталари ўртасидаги кўпқураш беллашуварларида халқаро тахрибага эга бўлган Уляна Трофимова-ванинг чиқиши ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди. Тошкентлик спортчи бош соғирин учурурашда асосий рақобатчилари — навоийлик Жамила Раҳматова ҳамда пойтахтнинг яна бир вакиласи Комила Тўхтаевани ортда қолдирди.

Спорт усталарига номзодлар ўртасида кучли учликдан Азиза Мамажоновна (Тошкент), Сарвина Холиқова (Бухоро) ва Эвелина Калишер (Тошкент) жой олди.

Жамоавий беллашуварларида Комила Тўхтаева, Вероника Есипова, Эвелина Калишер, Валерия Давидова, Азиза Мамажоновадан таркиб тоналган Тошкент шаҳри жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Қолган соғиринли ўринлар Бухоро ва Самарқанд вилоятлари шарафини ҳимоя қилган гимнастикачи қизларга насиб этди.

ХАЛҚАРО ТУРНИРДА ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ГОЛИБ

Бокс бўйича Кўқонда ташкил этилган халқаро турнирда ҳамюртларимиз билан бир қаторда Россия

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА ЭЪТИБОР

Тошкентда «Жигар хасталиги, уни доволашнинг назарий ва амалий асослари» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Педиатрлар ассоциацияси томонидан ташкил этилган анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги шифохоналар, оилавий поликлиникалар, тиббиёт муассасалари шифокорлари иштирок этди.

Мутахассисларнинг фикрича, дунё микросида ҳар 40 кишидан биттаси умри давомида жигар фаолиятининг бузилиши билан боғлиқ хасталикка чалинар экан. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили 50 миллионга яқин бемор гепатит-В, 200 миллионга яқин бемор эса гепатит-С хасталиги билан рўйхатга олинади. Бу эса жигар хасталигига қарши курашиш нақадар долзарб эканлигидан далolat беради.

Анжуманда мутахассислар томонидан Ўзбекистонда жигар хасталиги тарқалишининг бугунги кундаги ҳолати, унга қарши курашишнинг замонавий усуллари ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, касалликнинг олдин олинди эри авалло озодликка ва санитар-гигиеник ҳолатга қатъий риоя этиш зарурлиги эътироф этилди.

Айтиш жоизки, тиббиёт соҳасида бугунги кунда олиб борилаётган ишловлар аҳоли саломатлигини сақлаш, уларга сифатли ва намунали тиббий хизмат кўрсатишни таъминлашга қаратилган. Хусусан, касалликларни эрта аниқлаш ва самарали доволашга эришиш аниқ пайтда соҳа ходимлари олдида турган муҳим вазифалардан саналади. Вирусли гепатитлар қанчалик эрта аниқланса, уни доволаш ҳам эрта бошланади. Бундан ташқари, қишлоқ врачлик пунктларида, поликлиника шарафида умумий амалиёт шифокорлари томонидан бу каби муаммолар вақтида аниқланиб, унга тўғри ёндашилса даволаш ўз самарасини беради.

Анжуман давомида етакчи мутахассис ва олимлар жигар хасталигини доволашда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги, қай йўл билан қўйилган самарга эришиш мумкинлиги тўғрисида маърузалар қилишди.

Умумий амалиёт шифокорлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

"Туркистон-пресс"

Спорт янгиликлари

Киргизистон ва Қозғистондан келган юз эллик нафардан зиёд боксчи голиблик учун рингга чиқди.

Мусобақада энг кўп — бешта олтин медаль Андижон бокс мактаби вакилларига насиб этди. Ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратган Ш. Исоқов, Р. Тошматов, Б. Султонов, Б. Маҳмудов ва А.Қурбонов шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Шунингдек, Тошкент вилояти боксчиларидан А.Маҳмудов, К.Аҳмедов, Т.Маматов, фарғоналик У.Назирова, тошкентлик Ж.Матқонов ва қозғистонлик Р.Мурзатов ҳам халқаро турнир голиби бўлди.

МАРРАДА КИМ БИРИНЧИ?

Пойтахтимизда велотрек бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган мамлакат биринчилигида олтинмиш нафарга яқин иқтидорли спортчи голиблик учун куч синашди.

Мусобақада Республика олимпия заҳиралари коллежи талабалари — Роман Дронин ва Борис Куликов ўз тенгқурларини ортда қолдириб, олтин медаль билан тақдирланди. Кирилл Гвоздев ва Виктор Горлов иккинчи ўриндан жой олган бўлса, Руслан Фёдоров ҳамда Сергей Медведев бронза медал билан тақдирланди.

СОФИЯДА ГОЛИБ ЧИҚДИ

Болгариянинг София шаҳрида трамполин бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда қатнашган умидли спортчимиз Амиран Бабаев батутда сакраш бўйича ўз тенгқурлари орасида энг яхши натижани қайд этди.

Асосий рақобатчилари — болгарлик Габриэль Гиоргиев ва испаниялик Александр Бернадесни ортда қолдирган ўзбекистонлик спортчи халқаро мусобақанинг олтин медал билан тақдирланди.

СПОРТЧИЛАРИМИЗ СОВРИНДОР

Енгил атлетика бўйича Киргизистон пойтахти Бишкек шаҳрида ўн километрга югуриш бўйича ўтказилган халқаро мусобақада Ўзбекистон спортчилари ҳам соғиринли ўринлардан жой олди.

Хотин-қизлар баҳсида қатнашган Ситора Ҳамидова иккинчи натижани қайд этиб, қумуш медалга сазовор бўлди. Эркалар беллашувида ҳамюртимиз Андрей Петров бронза медални кўлга киритди.

Боҳир БЕК

Саид ВАЛИЕВ, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси

Кўр кўрни қоронғида топибди, деганларидек, унинг асл мудоаоси амалга ошадиган бўлди. Ўзганинг ҳақида қўрмайдиган Башорат Кимсанова билан танишиб қолди-ю, икковининг ҳаётини аълолари бир жойдан чиқди.

Улар 2007 йилнинг 19 сентябридан 29 ноябрь кунларига қадар бўлган вақт мобайнида фуқаро Адиба Бозоровага Учтепа тумани Чилонзор 23-мавзусида жойлашган 3 хонали хонадоннинг эгаси ҳозирда вафот этганлигини, гўёки ушбу хонадон эгасини ўзининг қарамоғига олиб, уни парвариш қилиб келганлиги ҳақида қонуний ҳужжатларни расмийлаштиришга оид қалбаки ҳужжатлар учун 8.000 АҚШ доллар беришини сўрашди.

— Шу пулни берсам уй меники бўладими?

Содда аёлнинг бу гаплари фарибгарларнинг кулгусини қистатса-да, алдовни дўндиришган:

— Вой, опажон, ишонмаяпсизми?! Гап битта бўлади.

— Нега унақа дейсизлар, ишонмай ўлибманми?!

Шундан сўнг фарибгарлар Адиба Бозорованинг ишончига тўла қилиб олишганини сезишди. Бу йўлда дастлаб 1000 АҚШ доллар, сўнгра 280.000 сўм пулини, 200 АҚШ долларини, ҳуллас, жами 4800 АҚШ долларини ва

280.000 сўмини қўлга киритиб, уларни ўз эҳтиёжлари йўлида ишлатиб юборишди.

Ушбу содир этилган жиноят оқибатида жабрланувчи А.Бозоровага умумий хисобда 6.449.104 сўм миқдорда моддий зарар етказилган.

Ҳукм ўқилди

«ҚОРОНҒИ»ДА ТОПИШГАНЛАР...

Фарангиз Жалилова кўпдан бери ҳаромдан бойиш йўллари излаб юрарди-ю, аммо эпини тополмасди. Тўғри-да, биронинг ҳақида хиёнат қилмай ким ошиб-тошиб кетбдики, Фарангиз бойиб кетса...

Фарангиз Жалилова ва Башорат Кимсановаларнинг жинойий фаолияти бу билан ўз нихоясига етган эмас. Ўзларини "ишбилармон" қилиб кўрсатишга уста бўлган бу кимсаларнинг навбатдаги қурбони Неймат Ақромов бўлди.

Жиноятчилар унинг бошланга муҳтожлигини сезишгач, мақсадга ўтишади.

— Сизга уй керакми?

— Ҳа.

— Уй олиш учун олдин туман ҳокимиятидан тавсифнома керак бўлади. Бунга яхши биласиз. Аммо тавсифнома деганлари пул туради. Агар нарҳини келиша олсак, уни қўлимда девернинг.

— Розиман, фақат тезроқ тўғри-лаб берсаларинг бўлди.

Ўзаро мулоқот давомида фарибгарлар Неймат Ақромовнинг ҳам ал-

дов асносида ишончига киришган. Шундай қилиб, ундан дастлаб 300, сўнгра 175, кейин эса 25, жами 500 АҚШ долларини олишиб, ўзларининг моддий эҳтиёжларини қоплаш учун ишлатиб юборишди.

Содир этилган жиноят натижасида жабрланувчи Неймат Ақромовга 643.150 сўмлик зарар етказилган.

Ушбу жинойат ҳолат бўйича олиб борилган суд жараёнида аниқланган ҳолатлардан келиб чиқиб, уларга юридик баҳо беришда далилларнинг тўлиқ ва асосли эканлиги аниқланди. Гар-

чанд судланувчилар Фарангиз Жалилова ва Башорат Кимсановалар қўйилган айбларни инкор этиб, ҳеч кимга пора бериш ниятлари бўлмаганлиги тўғрисида ваҳ қелтирсаларда, бу ваҳларни Адиба Бозорова ва Неймат Ақромов томонидан берилган кўрсатмалари ҳамда жиноят ишига оид бошқа ҳужжатларида тўпланган бошқа далилларнинг рад этади.

Одил судлов Фарангиз Жалилова ва Башорат Кимсановаларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 59-моддаси 8-қисми билан айбдор деб топиб, 11 йил озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Ҳамро БЕРДИКИЛИЧЕВ, жиноят ишлари бўйича Яқкасарой туман суди судьяси.

Хидирали ПАНЖИЕВ, журналист.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзилми: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ. Буюртма Г- 406

ТЕЛЕФОНЛАР: Ўзлонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563. ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3752 нусха босилади. Қўғоз бирими А-2

Нашри этилиб бериш масалалари бўйича турар жойларда почта бўлимига ёки «Тошкент почта-телефон» 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланади. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 5 6. Топширилган вақти: 14.45